SHU AZIZ VATAN BARCHAMIZNIKI!

ISTIQBOL

№ 42
(6194)
2025-yil
24-oktyabr
Juma

Gazetaning QR-kodi
www.zangiota-istiqbol.uz

Zangiota tumani hokimligi ijtimoiy-siyosiy gazetasi ❙ 1934-yil 10-iyuldan chiqa boshlagan

"ОДАМЛАР МЕНИ ЭШИТАДИ", – дейди "Навбаҳор" маҳалла фуқаролар йиғини раиси Тоҳир Файзиев







► Маҳалла ҳаёти

Бундан 5 йил аввал Тоҳир ака маҳалла фуқаролар йиғини раиси этиб сайлангач, ўйланиб қолди: "Одамларнинг қалбига қандай қилиб йўл топсам экан?". Ўйлай-ўйлай маҳалланинг энг оғриқли нуқтасига келганида тўхтади. Бу нуқта тоза ичимлик суви муаммоси эди. Югурди-елди, бу муаммони ҳал этди. 800 метрга янги сув қувурлари тортилди. Барча хонадонлар тоза ичимлик сувидан баҳраманд бўлиб, дуолар қилишди. Шу тариқа оқсоқол маҳалладошлари эътиборига тушди.

2



Жалолиддин РУМИЙ

Ҳаётда муваффақиятга эришиш учун уч нарса керак: диққат, интизом ва ҳаракат.

"ISTIQBOL" газетасига 2026 йил учун ОБУНА ДАВОМ ЭТМОҚДА



Агар туман ижтимоий-маданий ҳаётидан хабардор бўламан;
турли касб эгалари, турли тақдирлар ҳақидаги мақолаларни ўқийман;
маънавиятимни юксалтираман, десангиз
туман ижтимоий-сиёсий газетаси –

"ИСТИҚБОЛ"га 2026 йил учун обуна бўлинг!

ISTIQBOL
2025-yil 24-oktyabr / Juma / № 42 (6194)



"ОДАМЛАР МЕНИ ЭШИТАДИ", –

дейди "Навбаҳор" маҳалла фуқаролар йиғини раиси Тоҳир Файзиев

Шундан сўнг маҳалла раиси кейинги муаммога қўл урди. 43 йил асфальтсиз ётиб, йўловчи ва ҳайдовчиларга ноқулайлик туғдираётган ички кўчаларга эътиборини қаратди. Аҳолига маслаҳат солганди, ҳаммадан турлича фикрлар чиқди. Шунда оқсоқолнинг ўзи ташаббус кўрсатиб, ўз ҳисобидан кўчани текислаттириб, шағал тўктирди. Маҳалла раисининг бу ҳаракати ҳаммани уйидан кўчага чиқарди, маслаҳатни бир жойга қўйишиб, ўртада пул йиғишди. Шу тариқа асфальтлаш ишлари бошланди.

– Бирлашган ўзар деган нақл бор халқимизда, – деди Тоҳир ака маҳалладошларига, – мана биргаликдаги ҳаракатимиз туфайли кўчаларимиз бошқача кўринишга эга бўлаяпти. Энди яна бир гап, қоидасига кўра йўл энининг тўрт метри асфальт қилинаяпти, ёнлари эса асфальтсиз. Бу ердан бирорта машина ўтса асфальтнинг четини синдиради, бундан ташқари йўл чети ёғингарчиликда лой бўлиб, хунук кўринади, йўловчиларнинг ҳаракатланишлари учун ҳам ноқулайлик туғдиради. Шу жойларни бетонласак. Ҳисоблаб чиқдим, ўртага 500 минг сўмдан ташласак, ариқча четигача бўлган масофани бетонлаб оларканмиз ва йўлимиз ҳам кенг кўринаркан.

– Бу қимматмасмикан? – дея кимдир луқма ташлаганди, Тоҳир ака ҳисоб-китобга киришиб кетди. Ҳар бир хонадон эгаси ўз кўча тарафини мардикор олиб келиб, "масаллиқ" келтириб бетонласа, 1,5 миллион сўм маблағи кетишини



аниқ рақамларда исботлаб берди. "Ўртага ташланган пулда эса барака бўлади", деб қўшиб ҳам қўйди.

Шундай қилиб маҳалла ички кўчаларининг 2 километри ҳашар йўли билан асфальтланди, асфальт четлари бетонланди, лотоклар ётқизилди.

– Мана энди болажонлар асфальт йўлда бемалол футбол ўйнасанглар ҳам бўлади, – деб болаларга копток олиб келиб берди ва ҳазиллашиб ҳам қўйди, – дераза-ларни синдирмасанглар ҳисобмас.

Бу ички кўчада автомашина доим ҳам юравермайди. Шу боисдан ҳам болаларнинг уйларида чанг босиб ётган велосипед, самокат, ғилдиракли конькилари кўчага чиқди.

– Кўчада ўйнаганда эҳтиёткорликни унутманглар, – дея болаларни огоҳлантираркан маҳалла раиси яна уларни руҳлантириб ҳам қўйди, – қишда бирга хоккей ўйнаймиз.

Маҳаллада бу йил яна кўплаб хайрли ишлар амалга оширилди. Маҳалланинг асосий кўчасининг бир километрига пиёдалар йўлакчаси ётқизилди. 25 та бетон столбалар ўрнатилди, 700 метр электр СИП кабеллари тортилмоқда.

Маҳалла раисининг хайрли ишларини санайверсак, адоғи бўлмас. Айниқса, бир хайрли



ишини ҳалигача одамлар гапириб юришади. Тоҳир ака маҳаллага илк бор раис бўлиб сайланганида Сайёра исмли аёлнинг тураржойи бўлмаганлиги учун уч қизи билан 15 йилдан бери даладаги омборхонада яшаб юрганлигидан хабар топди. Бориб ўрганганида унинг шароити ниҳоятда оғирлигини кўрди, унга вақти-вақти билан озиқ-овқат, кийим-кечаклардан ёрдам кўрсатиб турди. Бу пастқам жой, камига чиябўрилар ҳам бор, булар бу ерда қандай қилиб яшаётганини ўйлаганда маҳалла раисининг юраги орқасига тортиб кетарди. Оқсоқол шу аёл ва болаларига холис ёрдам кўрсатиш ҳаракатига тушди, "Тешик-кўприк" томонлардан 3 сотихли жой топиб, уй қурдиртирди, жиҳозлади ва аёлнинг қўлига калитини тутқазди...

Тоҳир аканинг хайрли ишлари жуда кўп, лекин у буни ошкор қилишни истамайди. Бироқ, элнинг оғзига элак тутиб бўлармиди, тешик қулоқ эшитади ва булардан биз ҳам озми-кўпми хабардормиз, албатта.

Замонавий маҳалла идоралари айрим маҳалла фуқаролар йиғинида ишловчиларнинг орзулари. Тоҳир ака эса маҳалла раиси сифатида бу муаммога ечим топганига уч йил бўлди. Унинг томонидан қурилган янги бинода ходимларнинг яйраб ишлашлари учун барча шароитлар яратилган.





Идоранинг ёнгинасида эса кўркам бир кўп қаватли бино қад ростлаб турибди. 157 та хонадон жойлаштирилган бу бинони Тоҳир ака давлат шерикчилик асосида қурдирган. Шу кунларда оилалар бирин-кетин кўчиб келиб яшай бошлашди.

Тоҳир акани яна бир нарса – аҳолини арзон қишлоқ хўжалик маҳсулотлари билан таъминлаш масаласи ўйлантириб келарди. Шу мақсадда Тошкент туманида "Элга хизмат" арзонлаштирилган қишлоқ хўжалик маҳсулотлари савдосини ташкил этди. Энди эса бундай хизматни ўз маҳалласида ҳам ташкил этиш ҳаракатида.

Бу йилги эзгу ишлардан яна бири бўш турган бинода нодавлат болалар мактабгача таълим ташкилотининг очилганлиги бўлди. Маҳалла фуқароси бўлган Мадина Собирова шу икки қаватли бинони олиши ва боғчага мослаштириши учун ёрдам сўраб келганида маҳалла раиси ва ҳоким ёрдамчиси баҳоли қудрат ёрдам қўлини чўзишди.

– Бу йил ҳудудимизда очилган иккита хусусий боғчанинг биттаси шу бўлади, – дейди ҳоким ёрдамчиси Кумушхон Нуриддинова. – 50 ўринли боғчада ҳозирда 44 нафар бола тарбияланмоқда. Кичкинтойлар рус, инглиз тилларини ўрганишмоқда, турли қизиқарли машғулотлар ўтишмоқда, логопед ёрдамидан фойдаланишмоқда. Уларнинг яйраб вояга етишлари учун барча шароитлар бор.

Боғчадан чиққанимизда кўзимиз йўлнинг нариги четидаги олмазорга тушди. Дарахт бутоқларига маржондек тизилган қип-қизил олмалар қарамаган одамни ҳам ўзига қаратарди. Биз ҳам боғнинг ёнидан бепарво ўтиб кетолмадик.

– Бу боғ фермер Мирсаид акага тегишли,– деди маҳалла раиси, – жуда тиниб-тинчимаган, меҳнаткаш инсон. Бу йил ҳосил мўл бўлди, олма озгина "совуқ еб" янада шира тортса, узаман, деб турибди.

Ҳа, маҳалла раисининг кириб бормаган хонадонию маҳалланинг бир қарич ери йўқ, у ҳамманинг иссиқ-совуғи, фермерлар, тадбиркорлар, педагоглар, шифокорлар, ёшлар, кексалар, ногиронлар, эҳтиёжманд оилалар ҳолидан ҳамиша хабардор.

– Бу ишнинг ич-ичига кириб бордим, одамларни ўргандим, уларга чексиз меҳр қўйдим. Энди агар ўзим истасам ҳам улардан ажралиб кетолмайман, – дейди Тоҳир ака. – Қўлга киритаётган барча муваффақиятларимиз эса еттилигимизнинг бирдамлиги, аҳиллигида деб биламан. Айтадилар-ку, ёлғиз отнинг чанги чиқмас, чанги чиқса ҳам донғи чиқмас, деб.

Бугун маҳалла аҳлининг кайфияти баланд. Уларнинг неча йиллик орзулари ушалмоқда, яшаш шароитлари яхшиланиб, маҳалласи тобора кўркам тус олиб бормоқда. Ҳудудда бўлиб, кўча кезиб, одамлар билан суҳбатлашганимизда буларнинг барчаси маҳалла аҳлининг бирдамликдаги ҳаракатида эканлигига яна бир бор амин бўлдик.

Жамила АРСЛОНОВА,
Дилбар ШАРИПОВА.

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада)

Zangiota tumani hokimining
Q A R O R I

Zangiota tumanida aholi va qishloq xo‘jaligini ro‘yxatga olish tadbirini o‘tkazish to‘g‘risida

O‘zbekiston Respublikasining “Aholini ro‘yxatga olish to‘g‘risida”gi va “Rasmiy statistika to‘g‘risida”gi qonunlariga, O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2025-yil 19-sentabrdagi “O‘zbekiston Respublikasida aholi va qishloq xo‘jaligini ro‘yxatga olish tadbirini o‘tkazish to‘g‘risida”gi PF-173-son Farmoni va Toshkent viloyati hokimining 2025-yil 27-sentabrdagi “Toshkent viloyatida aholi va qishloq xo‘jaligini ro‘yxatga olish tadbirini o‘tkazish to‘g‘risida”gi 608-10-0-Q/25-son qaroriga muvofiq, shuningdek, aholining demografik va ijtimoiy-iqtisodiy xususiyatlari, yashash darajasi va farovonligi, qishloq xo‘jaligi holati, tarkibi hamda aholini ijtimoiy ahamiyatga molik asosiy turdagi qishloq xo‘jaligi mahsulotlari bilan ta’minlash istiqbollarini baholash tizimini yaratish uchun zarur ma’lumotlar bazalarini shakllantirish maqsadida hamda O‘zbekiston Respublikasi “Mahalliy davlat hokimiyati to‘g‘risida”gi Qonunining 6, 211-moddalariga muvofiq,

QAROR QILAMAN:

1. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2025-yil 19-sentabrdagi PF-173-son Farmoni va Toshkent viloyati hokimining 2025-yil 27-sentabrdagi 608-10-0-Q/25-son qarori rahbarlik va ijro uchun qabul qilinsin.

I. Quyidagilar:

2. Aholi va qishloq xo‘jaligini ro‘yxatga olishning asosiy maqsadlari etib quyidagilar belgilansin:

(a) Zangiota tumanini ijtimoiy-iqtisodiy rivojlantirish bo‘yicha davlat siyosatining ustuvor yo‘nalishlarini belgilash uchun **178,9 ming** aholining tarkibi va migratsiyasi, oilaviy holati, faoliyat turi, daromad manbalari to‘g‘risida yagona ma’lumotlar bazasini shakllantirish;

(b) **8 638 gekta**rdan ortiq qishloq xo‘jaligi yerlarining foydalanish holatini o‘rganish, chorva mollari va parrandalar sonini aniqlash orqali qishloq xo‘jaligiga yo‘naltirilayotgan byudjet mablag‘lari samarali sarflanishi, sohadagi xizmatlar hajmini aniqlash va oziq-ovqat xavfsizligini ta’minlash uchun zarur ma’lumotlar to‘plamini yaratish;

(d) aholi va qishloq xo‘jaligining o‘sish tendensiyalarini hududlar kesimida aniq hisob-kitob qilgan holda ijtimoiy soha obyektlarini kengaytirishga yo‘naltirilayotgan mablag‘ning manzilli sarflanishini ta’minlash;

(e) mahallalar kesimida aholining turli tavsiflari to‘g‘risida yagona statistik uslubiyat asosida viloyat darajasida taqqoslash mumkin bo‘lgan ma’lumotlarni shakllantirish orqali tumanning investitsion jozibadorligini va viloyatdagi o‘rnini yaxshilash

II. Ro‘yxatga olishni tashkil etish.

3. Zangiota tumanida aholi va qishloq xo‘jaligini ro‘yxatga olish (keyingi o‘rinlarda – ro‘yxatga olish tadbiri deb yuritiladi) 2026-yil 15-yanvar holatiga ko‘ra, 2026-yil 15-yanvardan 28-fevralga qadar o‘tkazilsin.

4. Quyidagilar:

(a) Zangiota tumani hokimligi huzuridagi 2026-yilda aholi va qishloq xo‘jaligini ro‘yxatga olish tadbirini o‘tkazishni tashkil etish bo‘yicha hududiy komissiyasi (keyingi o‘rinlarda – Hududiy komissiyasi deb yuritiladi) tuzilsin va uning tarkibi **1-ilova**ga muvofiq;

(b) Zangiota tumanida faoliyat ko‘rsatuvchi davlat tashkilotlari va davlat ulushiga ega bo‘lgan yirik korxonalar to‘g‘risidagi ro‘yxati **2-ilova**ga muvofiq;

(d) Zangiota tumanida faoliyat ko‘rsatuvchi yirik korxonalar, yirik fermer xo‘jaliklari va xodimi 20 nafardan ortiq bo‘lgan kichik biznes subyektlari bo‘yicha ma’lumotlar tasnifi **3-ilova**ga muvofiq;

(e) Davlat organlari va muassasalarida aholining ayrim toifalari bo‘yicha ma’lumotlar tasnifi **4-ilova**ga muvofiq;

(f) ro‘yxatga olishni tashkil etish va amalga oshirilayotgan ishlar monitoringi va ko‘maklashish bo‘yicha ishchi guruhi **5-ilovaga** muvofiq;

(g) Tumanlar bo‘yicha mahalla raislari ishtirokida ro‘yxatga olishning tashkiliy rejasini tuzish uchun reja jadval **6-ilova**ga muvofiq;

(h) Aholi va qishloq xo‘jaligini ro‘yxatga olish tadbirlarini o‘tkazishning ahamiyati va mazmun-mohiyati bo‘yicha targ‘ibot media rejasi **7-ilovaga** muvofiq tasdiqlansin.

5. Hududiy komissiya zimmasiga quyidagi vazifalar yuklatilsin:

(a) **joriy yilning 10-oktabriga** qadar tuman hokimligi huzuridagi tuman komissiyasining chora-tadbirlar rejasini tasdiqlash va uni o‘z vaqtida hamda sifatli amalga oshirishni tashkil qilish;

(b) ro‘yxatga olish tadbiriga tayyorgarlik ko‘rish va uni o‘tkazishni moliyalashtirish, ro‘yxatga olish materiallariga ishlov berishni tashkil etish hamda uning yakuniy natijalarini e’lon qilish masalalariga doir takliflarni ko‘rib chiqish;

(d) ro‘yxatga olish tadbirida ishtirok etish uchun jismoniy va yuridik shaxslarni ularning ishiga haq to‘lash masalalarini hal qilgan holda jalb etish ishlarini tashkil etish;

(e) **“mahalla yettiligi”** xodimlarini o‘qitish uchun hududiy komissiya va boshqa tashkilotlardan trenerlar ro‘yxatini tasdiqlash;

(f) Zangiota tumaniga biriktirilgan viloyat vakili bilan hamkorlikda ishlarni yo‘lga qo‘yish;

(g) **joriy yilning 10-oktabriga** qadar viloyat statistika boshqarmasi bilan birga borish qiyin bo‘lgan olis hududlar ro‘yxatini shakllantirish;

(h) **joriy yil 13-oktabrga** qadar hududiy komissiya a’zolari bilan birga borish qiyin bo‘lgan olis hududlardagi mahalla yettiligi xodimlarini o‘qishini tashkil etish;

(i) tuman hokimligi binosida hududiy ro‘yxatga olish shtabi va Call markaz faoliyatini tashkil etish, zarur bo‘ladigan xonalar, kompyuter, mebel jihozlari, uzluksiz internet, telefon, faks va boshqa zarur texnika vositalari bilan ta’minlash;

(j) **2025-yil 15-oktabrga** qadar har bir mahallada ro‘yxatga olish va hisob uchastkalari faoliyati tashkil etilsin hamda ro‘yxatga olish tadbirida ishtirok etadigan asosiy va zaxira xodimlar ro‘yxatini shakllantirish hamda tasdiqlash;

(k) **2025-yil 20-oktabrga** qadar tuman kadastr organlari bilan ro‘yxatga olishning tashkiliy rejasini mahallalarni hisob uchastkalariga bo‘lish orqali tuzilishini ta’minlash va 2022-yilda tayyorlangan xaritalarga mahalla raislari ishtirokida tegishli (yangi qurilgan uylar va buzilganlar) o‘zgartirish kiritish;

(l) **2025-yil 25-oktabrga** qadar tumanda ro‘yxatga olishning tashkiliy rejasini tasdiqlash;

(m) **joriy yil 1-noyabrga** qadar hududiy komissiya a’zolari bilan birga “Mahalla yettiligi” xodimlari (zaxira xodimlarni ham hisobga olgan holda) ro‘yxatini shakllantirish;

(n) **2025-yil 15-noyabrga** qadar ro‘yxatga olish tadbirini o‘tkazishga jalb etiladigan xodimlarni o‘qitish uchun mebellar va aloqa vositalari bilan jihozlangan vaqtincha bino yoki xonalarni ajratish;

(o) **joriy yil noyabr** oyida hududdagi 2 ta mahallada ro‘yxatga olishning axborot dasturini sinovdan o‘tkazish;

(p) **2025-yilning 1-dekabriga** qadar statistika bo‘limi va hududiy shtabga yuqori tezlikdagi aloqa kanallarining yetarli darajada ta’minlash choralarini ko‘rish;

(q) **joriy yilning 1-15-dekabr** kunlari hududiy komissiya va boshqa tashkilotlardan tuzilgan trenerlar bilan “Mahalla yettiligi” xodimlarini (statsionar, zaxiraga olingan xodimlar va aholining ayrim toifalari mavjud muassasa va tashkilotlardan biriktirilgan ro‘yxatga oluvchi xodimlarni qo‘shilgan holda) o‘qitish;

(r) doimiy ravishda tuman ro‘yxatga olish shtabi hamda ro‘yxatga olish uchastkalarini (mahalla idoralari) kanselyariya jihozlari hamda zarur hollarda transport vositalari bilan ta’minlash;

(s) doimiy ravishda OAV va blogerlar bilan ro‘yxatga olish tadbirining mazmun-mohiyatini aholi o‘rtasida keng yoritilishini, matbuot anjumani va brifinglarni tashkil etish;

(t) doimiy ravishda jurnalist va blogerlarning ro‘yxatga olish bo‘yicha berilgan barcha savollariga atroflicha javob tayyorlanishini ta’minlash;

(u) **2025-yil oktabrdan** – 2026-yil yanvarga qadar videoroliklar va ijtimoiy reklamalarni televideniye, supermarketlar, bozorlar va aholining gavjum joylarida, **LED ekranlarda** namoyish etish va ijtimoiy tarmoqlarga joylashtirishni ta’minlash;

(v) **2025-yilning oktabr–dekabr** oylarida tarqatma materiallarni (buklet, flayer va boshqalar) tayyorlab, ularni aholining keng ommasiga yetkazishni tashkil etish;

(x) hududiy komissiya va boshqa tashkilotlardan mahallalarga biriktirilgan mas’ullar tomonidan yig‘iladigan kunlik yig‘ma ma’lumotlarini va muammoli masalalar bo‘yicha axborotlarni qabul qilib olish, umumlashtirilgan holda har kuni **soat 15:00 ga qadar** viloyat shtabiga taqdim etilishini ta’minlash.

6. Belgilansinki:

(a) ro‘yxatga olish tadbiri “mahalla yettiligi” tizimida ishlovchi xodimlarni **2025-yil 15-dekabrdan 2026-yil 1-martgacha** bo‘lgan davrda jalb etish orqali o‘tkaziladi. Bunda, Mahallalar uyushmasining Zangiota tumani bo‘limi (T.Xoliqov) statistika bo‘limi hamda mas’ul tashkilot va idoralar bilan birgalikda “mahalla yettiligi” tizimida ishlovchi xodimlarning planshet qurilmalaridan foydalangan holda ro‘yxatga olish tadbiri o‘tkazilishini ta’minlaydi;

(b) ro‘yxatga olish tadbirida ro‘yxatga oluvchi sifatida ishtirok etadigan “mahalla yettiligi” tizimida ishlovchi xodimlar va boshqa jalb etiladigan xodimlar Jahon banki ishtirokida amalga oshirilayotgan “O‘zbekistonda statistika tizimi salohiyatini mustahkamlash” loyihasi doirasida mehnatga haq to‘lashning eng kam miqdorining bir yarim baravari miqdorida (soliqlar va boshqa majburiy to‘lovlarni inobatga olgan holda) bir martalik rag‘batlantiriladi. Rag‘batlantirish to‘lovlari tegishli vazirlik, idora va fuqarolar o‘zini o‘zi boshqarish organlarining so‘rovnomasiga asosan Milliy statistika qo‘mitasi tomonidan moliyalashtiriladi;

(d) ro‘yxatga olish tadbiriga jalb etiladigan xodimlar uchun ularning asosiy ish joyi, lavozimi va o‘rtacha oylik ish haqi saqlanadi.

7. Mahallalar uyushmasining Zangiota tumani bo‘limi (T.Xoliqov):

(a) **joriy yil 26-sentabrga** qadar tuman hokimligi bilan hamkorlikda **“Mahalla yettiligi”** xodimlarining ro‘yxatini (xodimning F.I.O., lavozimi, pasport nusxasi bo‘lishi shart) shakllantirib, statistika bo‘limiga;

(b) **joriy yil 26-sentabrga** qadar tuman hokimligi bilan hamkorlikda **“Mahalla yettiligi”** xodimlarining planshet qurilmalarini xatlovdan o‘tkazgan holda mavjud planshetlarni rasmga olib, viloyat statistika boshqarmasiga;

(d) **joriy yil 1-noyabrga** qadar xatlov natijasi bo‘yicha “mahalla yettiligi” xodimlarining planshet qurilmalari nosoz yoki mavjud bo‘lmaganlar soni va manzili bo‘yicha ma’lumotlarni “mahalla yettiligi” tizim vazirlik idoralariga, hududiy komissiyaga hamda statistika boshqarmasiga taqdim etsin.

8. Quyidagi tashkilotlar tomonidan belgilangan ma’lumotlar tuman statistika bo‘limiga taqdim etilsin:

(a) **joriy yil 25-sentabrga** qadar Mahallalar uyushmasining Zangiota tumani bo‘limi (T.Xoliqov) har bir mahalla kesimida ko‘chalar bo‘yicha xonadonlar va aholi soni to‘g‘risidagi ma’lumotlar;

(b) **joriy yil 10-oktabrga** qadar Kadastr palatasining Zangiota tumani bo‘limi (Sh.Isroilov) qishloq xo‘jaligi yerlariga ega tashkilotlar ro‘yxati to‘g‘risidagi ma’lumotlar;

(d) **joriy yil 10-oktabrga** qadar “Inson” ijtimoiy xizmatlar markazi (J.Muratov), Mudofaa ishlari bo‘limi (N.Gapparov), Favqulodda vaziyatlar bo‘limi (R.Axrorov), Ichki ishlar bo‘limi (A.Sultanov), Davlat xavfsizlik xizmati, Tibbiyot birlashmasi (K.Raximov), Din ishlari bo‘yicha Zangiota tuman hokimligining bosh mutaxassisi (A.Abdukarimov):

- 4-ilovaga muvofiq aholining ayrim toifalari bo‘yicha ma’lumotlar (*shaxslar kesimida*);
- aholining ayrim toifalarini ro‘yxatga olish uchun ro‘yxatga oluvchi sifatida tayinlangan o‘z xodimlari ro‘yxati;

(e) **joriy yil 15-noyabrga** qadar Ichki ishlar bo‘limi (A.Sultanov) jinoyatchilik ko‘p uchraydigan hududlar va tarbiyasi

(Davomi 4-sahifada)

Zangiota tumani hokimining
Q A R O R I

Zangiota tumanida aholi va qishloq xo‘jaligini ro‘yxatga olish tadbirini o‘tkazish to‘g‘risida

og‘ir oilalar manzillari ro‘yxati.

9. Ro‘yxatga olish tadbiri doirasida quyidagilar:

(a) tuman hokimining moliya-iqtisodiyot va kambag‘allikni qisqartirish masalalari bo‘yicha birinchi o‘rinbosari S.Ahadov, tuman hokimining qurilish, kommunikatsiyalar, kommunal xo‘jalik, ekologiya va ko‘kalamzorlashtirish masalalari bo‘yicha o‘rinbosari A.Inagamov, tuman hokimining Qishloq va suv xo‘jaligi masalalari bo‘yicha o‘rinbosari A.Xikmatov, tuman hokimining yoshlar siyosati, ijtimoiy rivojlantirish va ma’naviy-ma’rifiy ishlar bo‘yicha o‘rinbosari S.Nasirov, tuman hokimining o‘rinbosari – oila va xotin-qizlar bo‘limi boshlig‘i S.Usmanova:

– **2-ilovaga** binoan kompleksga kiruvchi barcha davlat organlari va tashkilotlari, davlat ulushiga ega bo‘lgan korxonalar bo‘yicha ro‘yxatdan o‘tkazish grafigini tasdiqlagan holda 2026-yil 15-yanvardan 31-yanvarga qadar mazkur tashkilot, korxonalarda faoliyat yuritayotgan barcha xodimlarni;

– **3-ilovaga** binoan hududdagi yirik korxonalar, yirik fermer xo‘jaliklari va xodimlari soni 20 nafardan ortiq bo‘lgan kichik biznes subyektlari bo‘yicha ro‘yxatdan o‘tkazish grafigini tasdiqlagan holda 2026-yil 15-yanvardan 31-yanvarga qadar mazkur korxonalarda faoliyat yuritayotgan barcha xodimlarning “census.stat.uz” portalida Internet tarmog‘i orqali ro‘yxatdan o‘tishlarini ta’minlasin;

(b) **2026-yil 4–28-fevral** kunlarida “mahalla yettiligi” tizim tashkilotlari “mahalla yettiligi” xodimlari tomonidan planshet qurilmalari yordamida aholining

(Давоми. Бошланиши 3-саҳифада)

yashash manziliga uyma-uy yurib so‘rov o‘tkazilishini ta’minlasin;

(d) tuman hokimining Qishloq va suv xo‘jaligi masalalari bo‘yicha o‘rinbosari A.Xikmatov **2026-yil 15-yanvardan 28-fevralga** qadar fermer xo‘jaliklari, yuridik shaxs tashkil etgan dehqon xo‘jaliklari, qishloq xo‘jaligi faoliyatini amalga oshiruvchi tashkilotlar va asosiy faoliyati qishloq xo‘jaligi bo‘lmagan qishloq xo‘jaligi yerlaridan foydalanayotgan korxona va tashkilotlarning Internet tarmog‘i orqali ro‘yxatdan o‘tishlarini ta’minlasin;

(e) “Inson” ijtimoiy xizmatlar markazi (J.Muratov), Mudofaa ishlari bo‘limi (N.Gapparov), Favqulodda vaziyatlar bo‘limi (R.Axrorov), Ichki ishlar bo‘limi (A.Sultanov), Davlat xavfsizlik xizmati, Tibbiyot birlashmasi (K.Raximov), Din ishlari bo‘yicha Zangiota tuman hokimligining bosh mutaxassisi (A.Abdukarimov):

2026-yil 15-yanvardan 28-fevralga qadar aholining ayrim toifalari ro‘yxatga olinishini **4-ilovaga** muvofiq tashkil etilishini ta’minlasin.

Bunda, **2025-yil 1-noyabrdan** boshlab maxsus muassasa va tashkilotlardan biriktirilgan mas’ul xodimlar tomonidan aholining ayrim toifalari ro‘yxatga olinishi boshlansin;

(f) Kambag‘allikni qisqartirish va bandlikka ko‘maklashish bo‘limi (A.Nishonov) “e-auksion” tizimi orqali ijaraga olingan yerlar bo‘yicha ma’lumotlarni hokim yordamchilari tomonidan “census.stat.uz” portalida Internet tarmog‘i orqali kiritilishi ta’minlansin;

(g) Ichki ishlar bo‘limi (A.Sultanov) jinoyatchilik ko‘p uchraydigan hududlar va tarbiyasi og‘ir oilalarni ro‘yxatga olishda mahalla yettiligi xodimlariga ko‘maklashsin;

(h) joriy yilning oktabr–dekabr oylarida tuman hokimining Qishloq va suv xo‘jaligi masalalari bo‘yicha o‘rinbosari A.Xikmatov, fermer xo‘jaliklari, yuridik shaxs tashkil etgan dehqon xo‘jaliklari, qishloq xo‘jaligi faoliyatini amalga oshiruvchi tashkilotlar, shuningdek, asosiy faoliyati qishloq xo‘jaligi bo‘lmagan holda qishloq xo‘jaligi yerlariga ega bo‘lgan korxona va tashkilotlariga ro‘yxatga olishning mazmun-mohiyati yetkazilishini ta’minlasin;

(i) **2026-yil yanvar–fevral oylarida** Ichki ishlar bo‘limi (A.Sultanov) ro‘yxatga olish jarayonlarida jamoat tartibini saqlasin va “mahalla yettiligi” xodimlarining xavfsizligini ta’minlash choralarini ko‘rsin;

10. Ro‘yxatga olishni tashkil etish va amalga oshirilayotgan ishlar monitoringi hamda ko‘maklashish bo‘yicha ishchi guruhiga quyidagi vazifalar yuklatilsin:

(a) har bir mahallada **“mahalla yettiligi”** tizimida ishlovchi xodimlar tomonidan ro‘yxatga olish tadbiriga tayyorgarlik ko‘rish va uni o‘tkazish ishlarini tashkil etish;

(b) ishlab chiqilgan tashkiliy reja asosida ro‘yxatga olish tadbirini tashkil etish va nazorat qilish;

(d) ro‘yxatga olish tadbirini o‘tkazish uchun zarur bo‘ladigan binolar yoki xonalar ajratish, shuningdek, ularni tegishli moddiy-texnika bazasi va transport vositalari bilan ta’minlash;

(e) aholining ayrim toifalari ro‘yxatga olinishini tegishli idora va tashkilotlar bilan hamkorlikda amalga oshirish;

(f) kunlik yig‘ma ma’lumotlar va muammoli masalalar bo‘yicha axborotlarni **har kuni soat 14:00 ga** qadar hududiy shtabga taqdim etilishi ta’minlansin.

III. Ro‘yxatga olish tadbiri davomida targ‘ibot-tashviqot ishlarini tashkil etish.

11. Tuman hokimining barcha o‘rinbosarlari, tuman hokimining matbuot kotibi axborot siyosati masalalari bo‘yicha maslahatchisi, OAV vakillari va blogerlar:

(a) **2025-yil 1-oktabrdan 2026-yil 15-yanvarga** qadar ro‘yxatga olishni o‘tkazish haqida aholini xabardor qilish ishlarini amalga oshirsin;

(b) doimiy ravishda matbuot anjumani va brifinglar tashkil etsin;

(d) doimiy ravishda ro‘yxatga olishning mazmun-mohiyatini keng ommaga yetkazish choralarini ko‘rsin;

(e) **2025-yil oktabr – 2026-yil yanvar** oylarida mahalliy OAVda maxsus ko‘rsatuv va eshittirishlar tashkil etilishi ta’minlansin;

(f) **2025-yil oktabr – 2026-yil yanvar oylarida** OAV va veb saytlarda turkum maqolalar, ko‘rsatuvlar, eshittirishlar berib borilishi ta’minlansin.

IV. Qaror ijrosini tashkil etish, ta’minlash va nazorat qilish.

12. Ro‘yxatga olish tadbirining to‘g‘ri tashkil etilishi va samarali o‘tkazilishiga mas’ul va shaxsiy javobgar etib, tuman hokimining moliya-iqtisodiyot va kambag‘allikni qisqartirish masalalari bo‘yicha birinchi o‘rinbosari S.Ahadov, tuman hokimining Qishloq va suv xo‘jaligi masalalari bo‘yicha o‘rinbosari A.Xikmatov, statistika bo‘limi boshlig‘i, mahallalar uyushmasining Zangiota tuman bo‘limi boshlig‘i v.v.b. T.Xoliqov belgilansin.

13. Ushbu qaror ijrosini nazorat qilish tuman hokimining birinchi o‘rinbosari S.Ahadov zimmasiga yuklansin.

Tuman hokimi E.RUSTAMOV.

ЖАҲОЛАТГА ҚАРШИ МАЪРИФАТ БИЛАН

Бугунги глобаллашув даврида жамият тараққиётининг асосий омили – маърифатли ва онгли авлод тарбиясидир. Ёшларни тўғри тарбиялаш, уларнинг дунёқарашини соғломлаштириш ва маърифат билан қуроллантириш нафақат ота-она, балки бутун жамиятнинг бурчи ҳисобланади.

► *Маънавий-маърифий тарғибот тадбири*



Бугунги ахборот хуружлари ниҳоятда кўпайган даврда ёшларни нотўғри йўлларга кириб қолишларининг олдини олиш биз катталарнинг биринчи галдаги вазифамиздир.

Шунинг учун ҳам туман тарғиботчилар гуруҳи аъзолари билан биргаликда тумандаги барча таълим-тарбия масканлари, маҳаллаларда тез-тез ёшлар, аҳоли билан учрашиб, улар билан мулоқотлар уюштирмоқдамиз. Яқинда “Найман,””Мевазор”, “М.Хоразмий”, “Аҳилобод” маҳаллаларида аҳоли билан учрашув ўтказдик. Аёллар иштирокида "Жаҳолатга қарши маърифат" лойиҳаси доирасида миллий қадриятлар, оилавий муносабатлар, фарзанд тарбияси, диний ақидапарастлик ва мутаассиблик ғоялари тарқалишининг олдини олиш, ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигини таъминлаш, динлараро ва миллатлараро тотувликни мустаҳкамлаш ҳамда терроризм ва экстремизм ғояларига қарши курашиш бўйича иммунитетни шакллантириш мақсадида ўтказилган бу тадбирларимиз йиғилганларга манзур ва манфаатли бўлди. Улар ўзларини қизиқтирган саволларга батафсил жавоблар олишди.

15-умумтаълим мактаби ўқувчилари билан ўтказилган “Қиз боланинг одоби” мавзусидаги давра суҳбати ҳам қизлар учун ниҳоятда фойдали бўлди. Қизлар – миллатимизнинг бўлғуси тарбиячилари. Уларни ҳар томонлама етук, дунёқараши кенг, маънавий баркамол инсонлар этиб тарбиялашга ҳисса қўшаверамиз.

Тарғибот тадбирлари давом этмоқда.

Шодия УМАРХОДЖАЕВА,
Республика Маънавият ва маърифат маркази Зангиота тумани бўлинмаси раҳбари.



► *Семинар*

ФОЙДАЛИ БЎЛДИ

Туманда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 19 сентябрдаги “Ўзбекистон Республикасида аҳоли ва қишлоқ хўжалигини рўйхатга олиш тадбирини ўтказиш тўғрисида”-ги ПФ–173-сон Фармони ижросини таъминлаш мақсадида 20- 22 октиябрь кунлари ўқув семинари бўлиб ўтди.

Семинарда Тошкент вилояти статистика бошқармаси ҳамда Зангиота тумани статистика бўлими ходимлари томонидан тумандаги 60 та маҳалланинг 300 дан ортиқ еттилик ходимлари ўқитилди. Уларга аҳоли ва қишлоқ хўжалигини рўйхатга олишнинг мақсад ва вазифалари, ишларни амалга ошириш тартиби, электрон ахборот тизимларидан фойдаланиш, шунингдек, “маҳалла еттилиги” фаолиятидаги муҳим йўналишлар ҳақида батафсил маълумот берилди.

Сарвар МАҲАМАТОВ,
туман Статистика бўлими раҳбари.

► *Муносабат*

Маҳалла азал-азалдан бағрикенглик, ахлоқлилик, поклик, ростгўйлик, омонатга хиёнат қилмаслик, шижоат, жасорат, дўстлик, садоқат, киндик қони тўкилган жой – Ватаннинг қадрига етиш, уни эъзозлаш маскани бўлиб келган.

ЮРТ ОБОДЛИГИ МАҲАЛЛАЛАРДАН БОШЛАНАДИ

Маҳаллада сахийлик, эл-улусни англаш, унинг манфаатини ўз манфаатидан устун қўйиш, соғлом оила ва фарзандга эга бўлиш, уларни эл-юрт хизматига ярайдиган инсонлар қилиб тарбиялаш, ота-она ва ўзидан катталарни ҳурмат, кичикларни иззат қилиш, ҳаромдан ҳазар, олижаноблик, қўшниларга, атрофдагиларга мурувватлилик сингари покиза маънавий сифатлар тарбияланади, ҳаётга татбиқ этилади. Шу сабабли маҳалладошлар азалдан ўз маҳаллаларини қадрлашган, унинг равнақи, аҳолисининг фаровонлиги учун қўлларидан келадиган барча ишни амалга оширишган. Бу ерда истиқомат қиладиган одамлар туғишган оға-ини, опа-сингил, қон-қариндош каби меҳр-оқибатли бўлиб, яхши ва ёмон кунларида бир-бирини қўллаб-қувватлаб келишган. Маҳалла аҳлининг бошини жамоатчилик асосида ишлайдиган маҳалла раиси қовуштириб турган. Бу анъана асрлар оша давом этиб келмоқда.

Замона ҳамиша ўзгаришда. Ўтган асрнинг охирлари ва бошларида ҳаётимизга замонавий технологиялар шиддат билан кириб келган пайтда маҳалла фуқаролар йиғинлари ҳам ўзгаришларга юз тута бошлади ва бу янгиланишлар ҳозирга қадар давом этмоқда.



Хўш, учинчи Ренессанс даври маҳаллалари қандай бўлиши керак? Бугунги кунда маҳаллалар ҳаётида юз бераётган катта ўзгаришларга эътибор қаратсангиз, бу саволнинг жавобини топасиз.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев раислигида жорий йил 14 октябрь куни маҳалла тизимини янада такомиллаштириш ва жойларда ишларни самарали ташкил этиш масалалари юзасидан ўтказилган видеоселектор йиғилишида муҳим масалалар ўртага ташланди.

Маълумки, кейинги йилларда маҳалла институтини ислоҳ қилиш янада кучайтирилиб, маҳаллада “еттилик” тизими жорий қилинди, кредит, субсидия, компенсация, моддий ёрдам ажратиш каби юздан зиёд хизматлар маҳалла даражасига туширилгани ҳисобига 7,5 миллион фуқаро камбағалликдан чиқди, ишсизлик даражаси икки баробар қисқарди. Шунингдек, 3,5 минг маҳалла қиёфаси замонавий кўринишга келди.

Маҳалла раисларининг ваколат муддатлари ҳам ўзгаришларга юз тутиб, у 3 йилдан 5 йилга узайтирилди. “Еттилик” тизими яратилиб, етарли шароит ва ваколатлар берилди. Маҳаллаларга банкир ва солиқчилар боғлаб берилди. Инфратузилмага маблағ ажратиш йўлга қўйилди.



Бу каби имкониятлардан самарали фойдаланиб, маҳалласини ҳар томонлама намунали қилиш йўлида жон куйдираётган маҳалла оқсоқоллари кўпчиликни ташкил этади. Лекин, минг афсуски, орамизда ҳануз юкни елкасига баравар ортмасдан, биргаликда иш юритмасдан ўз ҳолича ишлаётган “еттилик”лар ҳам йўқ эмас. Давлатимиз раҳбари йиғилишда буни алоҳида таъкидлаб ўтди.

Маҳаллаларга янгидан-янги имкониятлар ва мадад бериш ишлари яна давом этмоқда. Жумладан, бир ой олдин “Ташаббусли бюджет” бўйича янги қарор қабул қилиниб, маҳаллада одамларнинг ўзи фаол бўлиб бошлаган лойиҳаларга кўмак берадиган тизим жорий қилинди. Бунда қайси маҳаллада аҳоли йўл, сув, мактаб, боғчани таъмирлашни бошлаган бўлса, харажатининг ярмини давлат кўтаради. Бу мақсадлар учун келгуси йилда яна мингта лойиҳага 500 миллиард сўм ажратилади. Президентимиз бу борада яна бир янгиликни эълон қилди. Жорий йилдан бошлаб Солиқ қўмитаси ер ва мол-мулк солиқларини тўланганлик даражасига қараб, “Энг яхши солиқ тўловчи маҳалла” рейтингини эълон қилади. Бунда 100 таликка кирган маҳаллага “Ташаббусли бюджет”нинг янги тизими бўйича инфратузилма харажатининг 75 фоизи бюджетдан тўлаб берилади. Шунингдек, ушбу маҳаллаларнинг ҳар бирига қўшимча 2 миллиард сўмдан ажратилади. Қонунчилик палатаси депутатларига ўз округидаги маҳаллалар инфратузилмасини яхшилаш учун ҳар бирига 3 миллиард сўмдан маблағ берилади.

Маҳалла ҳудудида санитария, экология ва ноқонуний қурилиш бўйича жарималарнинг 10 фоизи маҳалла бюджетига йўналтирилади. Маҳаллалар бюджетига 2026 йилдан бошлаб ҳар йили 200 миллиард сўмдан ажратилади.

Умуман, ушбу манбалар ҳисобидан келгуси бир йил учун 2 мингта маҳаллага қўшимча 8,5 триллион сўм маблағ берилади.

Янгиликлардан яна бири, маҳаллаларга 2 минг квадрат метргача бўш давлат объектларини аукционга чиқариш ваколати берилган. Эндиликда маҳалла раиси ва ҳоким ёрдамчиси бўш турган 5 минг квадратгача бўлган давлат мулкини аукционга чиқариши мумкин бўлади. Сотувдан тушган маблағнинг 70 фоизи маҳалланинг ўзида қолади ва инфратузилмага сарфланади.

Шу билан бирга, маҳалла биноларини замонавий сервис объектига айлантириш учун тадбиркорларга қўшимча енгилликлар берилади.

Йиғилишда маҳаллалардаги ижтимоий муҳит ва ёшлар тарбиясига ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Оилавий жанжаллар ва ажримлар, минглаб бегуноҳ болаларнинг ота меҳридан жудо бўлиб қолаётгани ҳокимлар, маҳалла еттилиги ва нуронийларни ташвишга солиши кераклиги алоҳида қайд этиб ўтилди.

Йиғилишда ободонлаштириш ишларига ҳам алоҳида эътибор қаратилиб, бир ойлик ободонлаштириш ойлиги эълон қилинди. Яна бир эътиборли жиҳати шундаки, эндиликда “еттилик”, маҳалла аҳолиси яшил ҳудуд қилиш ташаббуси билан чиқса, туман ҳокими 10 сотихгача ер майдони ажратиб бериши белгиланди.

– Ислоҳотларимизнинг остонаси бўлган ҳар бир маҳаллага Янги Ўзбекистон нафасини олиб кириш, энг аввало, “маҳалла етилиги”нинг ягона жамоа бўлиб ишлашига бевосита боғлиқ, – деди давлатимиз раҳбари.

Ҳақиқатан ҳам шундай, қаерда бирдамлик бўлса, ўша ерда муваффақият, олға силжиш, фаровонлик, тўкин-сочинлик бўлади, одамлар ўз ҳаётидан рози бўлиб яшайди. Демакким, юрт қудрати юксалади, ҳаётимиз янада фаровон бўлади.

Жамила АРСЛОНОВА.

► *Шифокор маслаҳати*

Фарзанд ота-онанинг эзгу орзуси, қувончи ва бахти. Ҳар бир она ўз фарзандининг ўсиб-улғайишини ва туғилганидан бошлаб то вояга етгунча соғлом бўлишини хоҳлайди. Шундай экан, болани она сути билан боқиш фарзандлар саломатлиги гарови эканлигини унутмаслик керак.

ҲАММА НЕЪМАТДАН АФЗАЛ

Она сути билан катта бўлган фарзандлар соғлом бўлишади. Чунки она сути таркибидаги мураккаб оқсиллар чақалоқ соғлиғини ҳимоя қилиб, унинг иммунитетини шакллантиради. Бола туғилганидан бошлаб 6 ойгача фақат кўкрак сути билан боқилса ва 2 ёшгача ва ундан кўпроққача яна давом эттирилса, унинг саломатлиги мустаҳкам бўлиб, турли касалликлардан сақланади.

Она сути билан озиқланувчи гўдаклар ич кетиши, турли ичак инфекциялари, ҳар хил нафас йўли инфекциялари ва зотилжам – пневмония, қулоқ оғриши – отит, аллергик ҳолатлардан ҳимояланади. Бу сутда она аввал ўтказган инфекция қўзғатувчиларига қарши антителалар мавжуд.

Ичаклар санчиши, ич қотиши она сути билан озиқланувчи гўдакларда камроқ учрайди. Шуни ёдда тутинг, эмизикли оналар шифокор маслаҳатисиз, ўз билганларича турли хил дориларни истеъмол қилмасликлари, аччиқ, шўр овқатлардан тийилиши керак. Негаки, булар сут сифатига таъсир этиб, болада нохуш ҳолатларни юзага келтиради.

Онанинг овқатланиш рационига қанчалик турли хил фойдали озиқ-овқат маҳсулотлари киритилган бўлса, сутининг таркиби шунчалик сифатли бўлади. Она сути ўз сифати билан болага бериладиган бошқа барча озиқ маҳсулотлардан устун туради.

Хулоса қилиб айтганда, ўз сути орқали она фарзандига бутун борлиғини берар экан, бу болада илк меҳрни уйғотади ва унинг саломатлигига ҳам ижобий таъсир этади.

Ақида АЗИМОВА,
Саломатлик ва стратегик ривожланиш институти бўлинмаси шифокори.

► *Истеъмолчи*

ОЗИҚ-ОВҚАТ МАҲСУЛОТЛАРИ ХАВФСИЗЛИГИ ЙЎЛИДА

Кундалик эҳтиёжларимиз учун ишлатиладиган мол ва қўй гўштларининг хавфсизлиги ихтисослаштирилган ва мини сўйиш корхоналарида сўйилганлиги, махсус ёғоч кундаларда майдаланганлиги, совутгичли махсус расталарда сақланганлиги, ветеринария ҳужжатлари мавжудлиги билан ўлчанади.




Бундан ташқари сотувчилар махсус кийимда бўлиши, санитария-гигиена қоидаларига риоя этиши ҳам муҳим шартлардан бири ҳисобланади.

Жамиятимиз томонидан ана шу нарсалар ўрганилмоқда. Жамоатчилик мониторингларини ўтказиш мобайнида аниқланаётган камчиликлар юзасидан тадбиркорларга ҳуқуқий тушунтиришлар берилмоқда. Бундан кўзланган асосий мақсад истеъмолчиларни сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминланишига эришиш, уларни огоҳ ва талабчан бўлишга чорлашдир.

Агар бу борада бирорта муаммога дуч келсангиз, бизга мурожаат этишингиз мумкин.


Дилдора ЗИЯМУҲАМЕДОВА,
туман Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамияти мутахассиси.



► *Жиноятга жазо муқаррар*

ПОРАХЎР ҚЎЛГА ТУШДИ

Тошкент шаҳрида яшовчи Ахрор Асадов (исм-фамилия ўзгартирилган) эндигина 29 ёшни қаршилаган бўлишига қарамай, бир неча марта судланиб ҳам улгурди. Лекин бу унга сабоқ бўлмади. Охирги маротаба жорий йил 13 августда Учтепа тумани суди томонидан судланиб, бир йилу ўн кун муддатга озодликни чеклаш жазоси берилиб, пробация ҳисобида турган бўлишига қарамасдан қайта жиноят кўчасига кириб, ғайриқонуний равишда текин бойлик орттиришга қўл урди.



Ахрор Асадов жорий йилнинг 12 июнь куни ўзининг олдиндан тузган жиноий режасини амалга ошириш мақсадида туманимиздаги “Дўстлик” маҳалласида яшовчи Шоира исмли қизни нишонга олади. Қизга ўзини Тошкент шаҳар ички ишлар бўлими тезкор ходими деб таништириб, мансабдор танишлари орқали Мажбурий ижро бўлимидан 35 миллион сўм қарздорлигини сўндириб беришини ваъда қилиб, ундан 5 миллион 620 минг сўм пулларини банк пластик картасига ўтказиб, пора сифатида олади.

Маълумки, порахўрлик шахсий манфаат, ғаразли мақсад йўлида ҳар қанча товламачилик қилишга ҳозиру нозир маънавий қашшоқ кимсага хос иллат. Порахўр учун бошқалар, халқ ва жамият манфаатлари ҳеч қандай аҳамиятга эга эмас. Порахўр учун, энг аввало, ахлоқий нопоклик, хушомадгўйлик, таъмагирлик, товламачилик характерлидир. Порахўрда виждон, инсоф туйғулари бўлмайди, у ўзгалар ҳақи – порани олиш учун виждонини сотади.

Порахўрлик – ижтимоий ҳодиса бўлиб, энг ёвуз иллатлардан саналади. Шунингдек, у – жиноят, ҳуқуқбузарликнинг бир кўриниши.

Порахўрликнинг ижтимоий зарари жамият ривожланишига, мамлакат мустақиллигини мустаҳкамлаш ишига тажовуз сифатида баҳоланиши лозим.

Шу жиҳатдан олиб қараганда, Ахрор Асадов жуда ножўя ишга қўл урган ва, у албатта, ўз қилмишига яраша жазосини олади.

Х.ЎРИНОВ,
туман ИИБ ҳузуридаги Тергов бўлими суриштирувчиси.



Қодирийга таҳсин айтишга бурчлимиз

(Охири. Бошланиши ўтган сонларда.)

Қодирий асарларидаги ҳаётийлик муаллифнинг маҳорати билан бир қаторда, унинг ҳар бир асар устида жиддий изланиши ва фақат санъаткорга хос назарига ҳам боғлиқ. Адиб ёзади: “Материални ўрганиш маҳалида энг майда нарсаларга (деталларга) ҳам аҳамият бераман. Масалан, мен ҳалиги ўрганмоқчи бўлган ерда қанча дарахт борлиги, уларнинг қанчаси эски ва қанчаси янгилиги, мен борган маҳалда ўша дарахтларда қандай қушлар қайси ҳолда қўниб турганлиги ва шунга ўхшаш жуда майда нарсаларгача. Биринчи қараганда, у майда нарсалар ҳеч аҳамиятга молик бўлмайдигандек кўринса ҳам, кейинроқ фойдаси тегиб қолиши жуда мумкин”. Ўз кўзи билан кўрган манзаралар тасвирнинг ишончли чиқишида ёзувчига ёрдам беради.

“Ўткан кунлар”ни ёзишдан аввал адиб воқеалар кечадиган жойларни кўради, турли кўчалардан юради, қабристонда тунайди, хон ўрдаларини синчиклаб ўрганади.

Масалан, Қўқон ўрдасининг қописи ҳақида шундай ёзади: “Айниқса, дарбозанинг икки биқинидаги “ўгирмагул” тарзи билан ишланган гулдасталар, дарбоза равоқидаги ганчдан қабартирилиб ясалган бўртма нақшлар, гуллар ҳали ўзларининг нафосатларини унчалик йўқотмаган эдилар”.

Жуда нафис сўзлар билан берилган бундай бадиий тасвирлар ёзувчининг синчков назарига – қалб кўзига оид, албатта. Аниқ тасаввур қилинган манзаралар тиниқ тасвирланади, ўз ўрнига тушган сўз ёлқини тафаккур пучмоқларини ёритади.

Баъзан Абдулла Қодирий ўз асарларида мумтоз насрга хос сажъ санъатидан ҳам фойдаланади. Дейлик, ўрдалик бир самоварчи девонани сўзлатиб: “...чойхонада саккиз йигит, ўртасида битта чигит; какир-кукир этар чилим, катта-кичик унга елим! Бу на бало, бу на қазо?..” деса, бошқа бир ўринда – “Саломнома”да бойларга қарата: “Масков бориб келибон, минглаб фойда қилибон, ҳафтада гап ейибон, томга карнай қўйибон; халқ қайғусин емайин, мактаб очай демайин; элликолтмиш қўй берган, саккиз кунлаб тўй берган Туркистон савдогарларига сало-о-ом!..” деб ёзади. Бунда савдогарлар характери ўзаро зидлашиб йиғилган сўзлар воситасида очилади.

Халқ мақоллари ҳар қандай миллат адабий тилининг фасоҳат ва балоғатини кўрсатади. Ўрнида қўлланса, бадиий асар мазмун-моҳиятига кўрк бағишлайди. Бундай ҳол Абдулла Қодирий асарлари тилида кўп кузатилади. Хусусан, “Яхши ният – ёртимол”, “Дарди йўқ – кессак, ишқи йўқ – эшшак”, “Осилсанг ҳам баланд дорға осил”, “Сут билан кирган – жон билан чиқар”, “Келинни келганда кўр, сепини ёйганда кўр”, “Ўрганган кўнгил ўртаса қўймас”, “Қўрқоқ олдин мушт кўтарар” каби мақол ва иборалар бу асарларга зеб беради. Адиб айрим айтимларни сарлавҳага ҳам олиб чиқади.

Абдулла Қодирий фикр ифодасининг қисқа ва аниқлиги, кам сўз билан кўп маъно бериш йўсинини қадрлаб, ёзишда ортиқча сўз ва жумлаларни қисқартиришдан сабоқ беради; ёзганини одамнинг ёлғиз ўзи тушуниб, бошқанинг англай олмаслиги унга асло маъқул келмайди. Шу боис: “Сўз сўйлашда ва улардан жумла тузишда узоқ андиша керак, ёзғувчининг ўзигина тушуниб бошқаларнинг тушунмаслиги катта айб. Асли ёзғувчилиқ, айтмакчи бўлган фикрни ҳаммага баробар онглата билишда, ораға онглашилмовчилиқ солмасликдадир”, деб таъкидлайди. Ижод аҳлининг ўз она тили ва қўшни миллатлар тилини билиши хусусида: “Ёзувчи ўз халқининг тилини, фольклорини камол ўрганиши шарт ва бир неча тилларни, айниқса, яқин қўшни тилларни билиши фазилат. Шундагина тили бойийди, асари жонланади”, деб ёзади.

Абдулла Қодирийнинг бебаҳо мероси ўзбек адабий тили тарихида алоҳида босқич сифатида қаралишга ҳақлидир. Чунки адиб қўллаган сўзлари, халқ ичидан танлаб, топиб олган таъбирлари, халқона бадиий тасвир воситалари – буларнинг бари ҳозирга қадар миллий тилнинг ифода имкониятларини кўрсатиб келади. Айни пайтда, адиб ўзининг нуктадон олимларга хос қимматли адабий-назарий қарашлари билан ҳам адабий тилимиз тараққиётига унутилмас ҳисса қўшгани алоҳида эътирофга муносибдир.

Баҳодир КАРИМ.

("Жадид" газетасидан олинди.)

► *Кўрик-танлов*



Жадидлар изидан

Жадидлар илмий-маданий мероси, ҳаёти ва фаолияти тарихчи ҳамда адабиётшунослар томонидан кўп бора ўрганилган ва изланишлар давом этмоқда.

Бу меросни тадқиқ этиш, ёш авлодга миллат ойдинларини танитиш аслида ҳар биримизнинг маънавий бурчимиз. Шу мақсадда юртимиздаги умумий ўрта таълим мактабларининг 6-10-синф ўқувчилари ўртасида “Жадидлар изидан” республика кўрик-танлови ташкил қилинган.

Билимлар беллашувидан кўзланган мақсад ўқувчиларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиб, буюк жадид аллома, адиб ва мутафаккирларимизнинг бой маънавий меросини кенг тарғиб қилиш, китобхонликка жалб этиш, мустақил ва танқидий фикрлаш, ватанпарварликни шакллантиришдан иборат.

“Жадидлар изидан” танловининг туман босқичи бўлиб ўтди. Танловда қатнашиш учун 1025 нафар 6-10-синфлар ўқувчилари рўйхатдан ўтган бўлиб, уларнинг энг саралари ўз билим ва дунёқарашларини намоён этишди. Ғолибликни қўлга киритган 2 нафар ўқувчи энди танловнинг вилоят босқичида иштирок этиб, туманимиз шаънини муносиб ҳимоя қиладилар.

Дилбар ИНАҒОМОВА,
туман МТТБ
шўъба мудири.

► *Мутахассислар маслаҳати*

Иссиқхонада помидор етиштирсангиз

Иссиқхоналарда помидорга зараркунандалардан оққанот, ўргимчаккана, занг кана, ширалар, симқуртлари зарар етказади. Касалликлардан эса ун шудринг, қўнғир ва қора доғланиш, фомоз, фузариоз сўлиш кабилар учрайди.

Оққанот ва ширалаларга қарши 20% ли Конфидор (0,3 л/га), 20 фоизли Моспилан (0,3 кг/га), Карбафос (1,2–2 л/га), Фуфанон (2,4–2,6 л/га) ёки 25 фоизли Циракс (1,2–1,6 л/га) препаратларидан бирини пуркаш тавсия этилади.

Ун шудринг касаллигига қарши Топсин-М (0,7 кг/т сувга), Саприл (1 л/т сувга), Топаз (0,5 л/т сувга) препаратларини қўшиб пуркаш тавсия этилади.

Фузариоз сўлиш касаллиги ҳам помидорнинг тез қуриб қолишига олиб келади. Фузариоз сўлиш касаллигининг олдини олиш учун помидор кўчатларини 0,3% ли Фундазол эритмаси билан (10 л. сувга 5 г) суғорилади. Фомоз касаллиги асосан ҳосил тугиш даврида кўпайиб, замбуруғлар ҳосил банди атрофида ривожланади ва аввалига сарғиш доғлар ҳосил бўлади. Кейин эса улар кўпайиб, ҳосил банди жойларидан чириб, ҳосилни тўкилиб кетишига сабаб бўлади. Унга қарши курашиш учун иссиқхоналарда намликни ортиб кетишига йўл қўймаслик керак. Ўсиш даврида Топсин-М препаратидан 10 граммини 10 литр сувга қўшиб пуркаш тавсия этилади.

М.АБЗАЛОВ,
Ғ.НОРМЎМИНОВ,
О.ИКРОМБОЕВ,
Ўсимликлар карантини ва ҳимояси “Навоий” ЎКЧМ инспекторлари

► *Эълонлар*

Тошкент шаҳар Олмазор тумани Мудофаа ишлари бўлими томонидан 1986 йил 6 январда Юнусов Мираббос Анварович номига берилган А№605808 рақамли гувоҳнома йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Зангиота тумани 1-сон давлат нотариал идораси томонидан 2002 йил 12 июлда №2-3212 реестр рақами билан тасдиқланган Шевнин Юрий Алексеевич номидан берилган ваколатномага асосан ҳаракат қилувчи Тошкент шаҳри, Миробод тумани, "Пирмуҳамедов" кўчаси, 10-уйда яшовчи Шевнин Константин Юрьевич ва Тошкент вилояти Зангиота тумани, Ўртаовулк/к, ТГК қўрғонидаги 3-уй, 72-хонадонда яшовчи Назарецкая Раиса Николаевналар билан тузилган олди-сотди шартномаси йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

ISTIQBOL
2025-yil 24-oktyabr / Juma / № 42 (6194)



Ўзбек тилим – миллатим фахри







► *Тадбир*

Туман ҳокимлиги, Ахборот кутубхона маркази, “Истиқбол” газетаси, туман ММТБ ҳамкорлигида ташкил этилиб 14-мактабда ўтказилган тадбир ана шундай номланди.

Тадбир иштирокчиларини кўтаринки руҳда кутиб олар экан мактаб ўқувчилари “Бу сўзларнинг муқобилини биласизми?” номли викторина ўйинига жалб этдилар. Кўплаб ўзга сўзларнинг ўзбек тилидаги муқобилини топиш барчага ҳам қизиқ, ҳам фойдали бўлди.Туман Ахборот кутубхона маркази томонидан ташкил этилган китоблар кўргазмаси ҳам тадбир иштирокчиларини бефарқ қолдирмади. “Ҳосил” халқ мақом дастаси ижросидаги қўшиқлар билан бошланган тадбир барчага кўтаринки байрамона кайфият улашди.

Тадбирда сўз олган Ўзбекистон журналистика ва оммавий коммуникациялар университети ўқитувчиси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, “Меҳнат шуҳрати” ордени соҳибаси, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, шоира Муҳтарама Улуғова, журналист, филология фанлари номзоди, доцент Гулбаҳор Саидғаниева, педагог, филология фанлари бўйича фалсафа доктори Нафиса Каримовалар бундан 36 йил олдин Ўзбекистоннинг “Давлат тили тўғрисида”ги қонуни қай йўсинда қабул қилингани, бу қонун Ўзбекистоннинг давлат мустақиллиги сари қўйилган биринчи дадил қадами бўлганлиги, йиллар давомида ўзбек тили тараққий этиши йўлида мамлакатда кўплаб ижобий ишлар амалга оширилгани ҳақида маълумотлар бердилар. Саводхонлик масаласига алоҳида эътибор қаратиш лозимлигига урғу бердилар. Тилимизнинг софлигини сақлаш, уни кўз қорачиғидай асраб келгуси авлодга етказиш лозимлигини ҳаётий мисоллар орқали баён этдилар. Ижодкорлар ўз ижод намуналаридан ўқиб, мухлисларни бахраманд этиш баробарида, кутубхонага ўз китобларидан совға қилдилар.

Тадбирда шунингдек, туманда ўзбек тили ривожига ҳисса қўшиб келаётган бир гуруҳ ўқитувчиларга туман ҳокимининг ташаккурномаси ва эсдалик совғалари топширилди.

* * *

Ўзбек тилига давлат тили мақоми берилганининг 36 йиллик байрами туманда кенг нишонланди. Барча таълим-тарбия масканлари, корхона ва ташкилотларда сана муносабати билан турли тадбирлар: давра суҳбатлари, ижодкорлар билан учрашувлар, очиқ дарс, тарбиявий соатлар ташкил этилиб, миллатимиз фахри – она тилимизга ҳурмат, эҳтиром кўрсатилди. Душанба куни ҳар бир мактаб ва мактабгача таълим ташкилотларида ўтказиладиган “Келажак соати”да “Ўзбек тилим – ғурурим, фахрим” мавзуси кенг ёритилди, видеороликлар намойиш этилди. Бунга жавобан ҳар бир мактабнинг ҳар бир синфи ўқувчилари ўзлари ижодий ёндашган ҳолда видеороликлар тайёрлаб, она тилларига бўлган меҳр-муҳаббатларини изҳор этдилар.

Дилбар ШАРИПОВА.

БАЙРАМНИ ҲАМЖИҲАТЛИКДА ЎТКАЗДИК

“Тилга эътибор – элга эътибор” шиори остида ўтказилган тадбирда мактабимизнинг барча ўқитувчи ва ўқувчилари фаол иштирок этдилар.

Чунончи ўқувчилар ўзбек тилини улуғловчи шеър ва мақоллар мусобақасида беллашдилар. “Тил билган – эл билади” номли танловда иштирокчилар рус, қозоқ ва инглиз тилларида шеърлар ёд олдилар ва бу орқали ўзга тил вакилларининг тилимизга бўлган ҳурмати ва муҳаббатини изҳор этдилар.

“Тил миллат ва тараққиёт кўзгуси” мавзусидаги маънавий-маърифий тадбирда асар қаҳрамонлари ўқувчилар томонидан жонлантирилди. “Она тилим – фахрим” номли “Заковат ” беллашуви ҳам ниҳоятда қизиқарли бўлди.

Ўғилой БУХОРБОЕВА,
7-мактаб ўқитувчиси.

Зангиоталик ўқувчилар Чехияда эътироф этилди



Хушхабар

Жорий йил май ойида Чехиянинг Лидице шаҳрида бўлиб ўтган “Ўйин” мавзусидаги халқаро болалар расмлари танловида 69 та давлатдан 11 мингдан ортиқ ижодий ишлар иштирок этди.

Мазкур танловда туманимиздаги 8, 22, 23 ва 34-мактаб ўқувчилари ҳам муносиб қатнашиб, эътирофга сазовор бўлишди.

Хусусан, Мубина Аҳмадалиева ва Камрон Худойбердиев олтин медаль, Умиджон Абдурашидов, Солиҳа Мансурхўжаева, Элзода Норчаева, Мубина Саидбоева, Асила Ҳайдарова, Абдуворис Ҳасанов ва Фотима Шокировалар сертификат билан тақдирландилар.

Куни кеча Чехия Республикасининг Ўзбекистондаги элчихонасида бўлиб ўтган тантанали маросимда ғолиб ва совриндорларга мукофотлар топширилди.

ISTIQBOL
Muassis: Zangiota tumani hokimligi

Bosh muharrir vazifasini bajaruvchi
Dilbar SHARIPOVA

Tahririyat manzili: Eshonguzar qo‘rg‘oni, tuman hokimligi binosi.
Telefon: 70-97-53-286.

Gazeta haftaning juma kuni chiqadi.
Hajmi 2 taboq, qog‘oz bichimi A3.
Ofset usulida bosildi. Bahosi erkin narxda.

Bosishga topshirish vaqti: 12.00
Bosishga topshirildi: 12.00
1 2 3 4 5 6

Gazeta tahririyat kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Navbatchi: Jamila ARSLONOVA

Toshkent viloyati Axborot va ommaviy kommunikatsiyalar boshqarmasida 2012 yil 24 iyulda 03-015 raqami bilan ro‘yxatga olingan. Nashr indeksi: 64895

“Sharq” nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Toshkent shahri, “Buyuk Turon” ko‘chasi, 41. Adadi – 2850. Buyurtma № G-1014.

ISSN 2181-61820